АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРИДА ТИЛ ВА КОММУНИКАЦИЯ

ЯЗЫК И КОММУНИКАЦИЯ В СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЯХ ИНФОРМАЦИОННОГО ОБЩЕСТВА

LANGUAGE AND COMMUNICATION IN SOCIAL NETWORKS OF INFORMATION SOCIETY

RAVSHONBEK KH. KHUDAYBERGANOV
Tashkent State Transport University
Associate Professor, PhD
Paradigma777@bk.ru
1, Temir yo'lchilar, Tashkent, 100167, Uzbekistan

DOI: 10.47980/ПАU/2021/2/10

Аннотация: *Мазкур мақолада ахборотлашган жамиятда тил ва коммуникация муаммолари ва истиқболларининг ижтимоий-фалсафий ва методологик жиҳатлари таҳлил қиланган. Шунингдек, коммуникатив жараён барча ижтимоий соҳалар фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши, тил ва коммуникациялар одамлар ва уларнинг ўртасидаги алоқани таъминлайди ҳамда тил ахборот етказишнинг жуда муҳим воситаси сифатида катта аҳамият касб этади. Тил ва коммуникация воситалари мулоқотнинг диалогик ёки интерактив шаклини таъминлайди. Ахборотлашган жамиятда тил ва мулоқот одамлар ўртасидаги маданий, тарихий жиҳатдан шартли маънавий алоқанинг ўзига хос шаклидир. Ахборот ташувчиси сифатида алоқа воситалари, ўз навбатида, одамлар ҳаётининг маданий-тарихий, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитларига, кишиларнинг ўзлари ишлаб чиқариш даражаси ва ривожланиш даражасига боғлиқ.*

Тил ва коммуникация воситаларининг ривожланиши доимо ишлаб чиқариш эҳтиёжларининг бевосита таъсири остида рўй беради. У ижтимоий ва ижтимоий тузилишининг барча даражаларида маданий, шахслараро, этник, давлат, глобал миқёсда ўсиб боради. Шу боисдан ҳам бир-бири билан алоқа қилиш қобилияти инсон капитали тушунчасига киритилиши ва интеллектуал капиталнинг бир қисми бўлиши керак.

Инсоният коммуникацияси воситаси ҳисобланган тил муаммоларининг жамият маданий тараққиёти билан уйғун ҳолатда илмий ва амалий аҳамият касб этиши аксарият олимлар томонидан қайд этилган. Ижтимоий-маданий тараққиёт ва жамият институтлари учун эса тилнинг бундай динамик хусусияти жуда муҳимдир. Тилнинг фалсафий парадигмаси фалсафа, лингвистика, риторика, яъни, фанлар комплексининг мослашуви билан белгиланади. Чунки, улар илмий тадқиқот дастурининг асосий ўлчов, мезон (параметр)ларини аниқлашга ёрдам беради. Бу комплексда тил феномени доминант ижтимоий-фалсафий фикр вазифасини бажаради. Тил ижтимоий ва инсоний борлиқ атрибути бўлиб, инсон ҳаётининг ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқариш жараёнлари учун, айниқса, билиш, таълим, тарбия, мулоқот, суҳбат жабҳалари учун ҳам аҳамиятлидир. Тилни ахборот-коммуникатив тизим сифатида ижтимоийлашуви яъни, у ўзида рўёлиқни акс эттириш қобилияти ва ахборотни узатиш воситаси сифатида хизмат қилади. Шу билан энг муҳим жиҳати ахборот ва коммуникацияларнинг ўзаро ўтиш қобилиятига эга бўлади. Шу муносабат билан тил ва мулоқот маданиятида ахборот ва коммуникатив томонларнинг диалектик бирлиги пайдо бўлди.

Калит сўзлар: *Ахборотлашган жамият, глаболлашув, тил ва коммуникациялар, коммуникатив жараён, компьютер лингвистикаси, ахборот-коммуникатив, ижтимоий мулоқот, тил тизими, вербаль мулоқот, лингвистика, тил ва фалсафа.*

Аннотация: *В статье анализируются социально-философские и методологические аспекты проблем и перспективы изучения языка, а также показаны средства общения в информационном обществе. В статье отмечается, что коммуникативный процесс - это процесс формирования и развития всех социальных сфер. Язык и общение обеспечивают общение между людьми, язык имеет большое значение как важное средство коммуникации. Язык и средства общения обеспечивают диалогическую или интерактивную форму общения. В информационном обществе язык и общение являются уникальной формой культурного, исторически обусловленного духовного общения между людьми. Средства коммуникации, в свою очередь, зависят от культурно-исторических, экономических и социально-политических условий жизни людей, уровня производства и развития самого человечества.*

Развитие языка и средств общения всегда происходит под прямым влиянием производственных потребностей. Оно растет в культурном, межличностном, этническом, государственном, глобальном масштабе на всех уровнях социальной и общественной структуры. Следовательно, способность общаться друг с другом должна быть включена в понятие человеческого капитала. Большинство ученых отмечали, что языковые проблемы, являющиеся средством человеческого общения, имеют научное и практическое значение в контексте культурного развития общества. Такая динамичная особенность языка очень важна для социокультурного развития и социальных институтов.

Философская парадигма языка определяется адаптацией философии, лингвистики, риторики, то есть целого комплекса наук. Они помогают определить основные измерения, критерии (параметры) исследовательской программы. В этом комплексе феномен языка выступает как доминирующая социально-

философская мысль. Язык является атрибутом социального и человеческого существования и важен для процессов производства и воспроизводства человеческой жизни, особенно для аспектов познания, образования, воспитания, общения, разговора. Социализация языка как информационно-коммуникативной системы служит средством выражения действительности и средством основной передачи информации. Наиболее важным аспектом этого является возможность взаимодействия информации и коммуникаций. Таким образом, в культуре языка и общения возникло диалектическое единство информационного и коммуникативного аспектов.

Ключевые слова: *Информационное общество, глобализация, язык и коммуникация, коммуникативный процесс, компьютерная лингвистика, информационно-коммуникативная, социальная коммуникация, языковая система, вербальная коммуникация, лингвистика, язык и философия.*

Abstract: *This article analyzes the socio-philosophical and methodological aspects of the problems and prospects of language and communication in an information society. The paper notes that the communicative process is the process of formation and development of all social spheres. Language and communication provide communication between people. We know that language is of great importance as a means of communication. Language and means of communication give us a dialogic or interactive form of communication. In an information society, language and communication are a unique form of cultural, historically conditioned spiritual communication between people. The means of communication, in turn, depend on the cultural, historical, economic, and socio-political living conditions of people, the level of production, and the development of humanity.*

The development of language and means of communication always takes place under the direct influence of the needs of production. It grows on a cultural, interpersonal, ethnic, and global scale at all levels of social and societal structure. Therefore, the ability to communicate with each other should be included in the concept of human capital and be part of intellectual capital.

The language and communication problems have scientific and practical significance in a context consistent with the cultural development of society. Such a dynamic feature of language is very significant for socio-cultural development and social institutions. The philosophical paradigm of language is determined by the adaptation of philosophy, linguistics, rhetoric, which means the complexity of sciences. They help to define the main dimensions, criteria (parameters) of the research program. In this complex, the phenomenon of language serves as the dominant socio-philosophical thought. Language is an attribute of social and human existence. It is significant for the production and reproduction processes of human life, especially for education and communication. The socialization of language as an information-communicative system, that is, serves as a means of expressing reality and a means of transmitting the information. At the same time, the principle aspect is the ability of information and communications to interact. In this regard, a dialectical unity of information and communicative aspects has emerged in the culture of language and communication.

Keywords: *Information, society, globalization, language and communication, communicative process, computer linguistics, information-communicative, social communication, language system, verbal communication, linguistics, language, and philosophy.*

КИРИШ

Ахборотлашган жамият тилнинг коммуникация воситаси сифатидаги имкониятларини оширмоқда. Шу боис XXI аср “Ахборот ва коммуникация асри” сифатида ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, янги коммуникация усулларидан фойдаланишни тақозо этмоқда. Зеро, ахборот ва коммуникация тилнинг энг муҳим “омиллари” ҳисобланади. Дарҳақиқат, коммуникатив жараён барча ижтимоий тузилмаларнинг фаолияти шаклланиши ва ривожланиши учун ҳам муҳим манбадир. Шу боисдан ҳам коммуникация одамлар ва уларнинг бирлашмалари ўртасидаги алоқани таъминлайди, авлодлар алоқасига ҳам имкон беради, ижтимоий тажрибани тўплаш ва алмашиниш, уни бойитишга, маданий меросни узатишга сабабчи бўлади. Тил ахборот етказишнинг жуда муҳим воситаси сифатида катта аҳамият касб этади. Тилсиз ҳар қандай жамиятда ҳам таълим ва мориф соҳасини ташкил қилиш мумкин эмас.

Жумладан, Президентимиз Ш.Мирзиёев: “Ахборот-коммуникация технологиялари, интернет тизимини кенг ривожлантирмасдан туриб, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, барқарор тараққиётга эришиш мумкин эмас. Ҳаётимизнинг энг муҳим жабҳалари учун юксак технологиялар, илмий ишланмалар яратиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, жаҳон ахборот технологиялари бозорида муносиб ўрин эгаллаш масаласига устувор аҳамиятга эга вазифа сифатида қарашимиз зарур” (Салимов, Қуронбоев, Жаллонов, Бекмуродов, & Тангиров, 2019) дея бугунги кунда ахборот ва коммуникация соҳаларига эътибор кундан кунга жадал суратда ривожланиб бораётганлигини таъкидлайди.

Бугунги кунда ҳаётимизда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти тобора ортмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидланганидек, “Энг муҳими, соҳа ривожида ана шундай миқдор ўзгаришлари билан бирга сифат ўзгаришлари ҳам юз бермоқда. Бунинг тасдиғини миллий медиа майдонимизда фуқаролик жамиятининг муҳим шарти бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи кенгайиб, самарали фаолият кўрсатаётгани, интернет журналистикаси

жадал ривожланиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин" (Мирзиёев, 2018). Дарҳақиқат, бу борада ўзаро алоқадорлик ва ривожланишнинг конуниятлари оммавий ахборот воситалари, айниқса, ижтимоий онгнинг шаклланишида катта аҳамиятга касб этади. У истеъмолчилар онгига тез таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан ОАВ тилининг равонлиги, адабий тил қоидаларига қатъий риоя қилиниши ниҳоятда муҳимдир. Бизнинг фикримизча, ҳозирги вақтда мамлакатимиз ОАВлари тили такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқ, бу, айниқса, хусусий нашрлар, теле, радио каналлар дастурларида тез-тез кўзга ташланаётганига эътибор қаратишни талаб қилади.

Зеро, жаҳон миқёсида кечаётган интеграция ва глобаллашув жараёнида ўзбек тилини дунёвий тиллар даражасига олиб чиқиш ҳаётий заруриятдир. Мазкур катта, масъулиятли, ўта муҳим мақсадни амалга оширишда компьютер технологияларига, хусусан компьютер лингвистикасига бўлган эҳтиёж яна ҳам ошади. Чунки, айнан компьютер лингвистикаси ўзбек тилининг жаҳон миқёсида чиқишига, она тилимизнинг дунёвий тиллардан бирига айланишида, уни ўрганиш ва ўргатиш ишлари янада қулай ва самарали тус олишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Мазкур ҳолат жуда муҳим мақсадни амалга оширишда компьютер технологияларига, хусусан компьютер лингвистикасига бўлган эҳтиёжни янада оширмоқда. Шу боисдан ҳам "Ахборот ва коммуникация асри" деб ном олган XXI асрда таълим тизими бутун имкониятини туб ислоҳотлар негизидагина намоён этиши мумкин. Таълим соҳасидаги истиқболли ислоҳотларни амалга ошириш учун эса юқори ақлий ва касбий маҳоратга эга кадрлар тайёрлаш тизимини вужудга келтириш лозим" (Назаров Д., 2010). Чунки айнан ахборот, компьютер лингвистикаси ўзбек тилининг жаҳон миқёсида чиқишига, она тилимизнинг дунёвий тиллардан бирига айланишида, уни ўрганиш ва ўргатишни янада қулай ва самарали тус олмоқда (Николаев, Митренина, & Ландо, 2017)**.**

ТАҲЛИЛ

Ахборотлашган жамият ижтимоий тармоқларида компьютер лингвистикаси – бу тилшуносликка оид муаммоларнинг ечимини топиш учун компьютер дастурларини яратишни тақозо этади. У амалий тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, матнга компьютер ёрдамида ишлов бериш билан боғлиқ вазифаларни бажаради. Бизнинг фикримизча бу вазифалар:

хориж тилларини ўқитиш;

билимларни текшириш, баҳолаш;

матнларни автоматик таҳрир этиш;

машина таржимаси учун мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш;

луғатларни ва компьютердаги матнни статистик таҳлил қилишда намоён бўлади (Дешериев, 1977).

Дарҳақиқат, катта ҳажмдаги ахборотни қайта ишлаш зарурияти компьютер лингвистикасини тақозо этади. Буларни мазкур соҳанинг ўзига хос йўналишлари деб ҳам аташ мумкин. Агар ушбу йўналишларнинг моҳиятига эътибор қаратилса, уларнинг ҳар бири ўзбек амалий тилшунослиги учун нақадар зарурий аҳамият касб этиши маълум бўлади. Шунга кўра, компьютер лингвистикасининг айни вазифалари асосида бугунги кунда ўзбек тилшунослигининг компьютер билан боғлиқ ҳолда ҳал этиш лозим бўлган қуйидаги жиҳатларини таснифлаш мақсадга мувофиқ, улар:

– ўзбек тилининг ахборот (компьютер) услубини яратиш;

– ахборот матнларидаги аниқ мезонларини ишлаб чиқиш;

– интернет сайтларини яратиш меъёрларини белгилаш;

– компьютер изоҳли ва таржима луғатларини ишлаб чиқиш;

– компьютерда инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча таржима дастурларини такомиллаштириш;

– ёзма матнларни таҳрирдан ўтказиш дастурларини яратишдан иборат.

Бу борада А.Нурманов: "Агар ушбу йўналишларнинг моҳиятига чуқурроқ эътибор берилса, уларнинг ҳар бири ўзбек амалий тилшунослиги учун нақадар зарурий аҳамият касб этиши маълум бўлади", деб ёзади. (Нурмонов, 2002). Бизнинг фикримизча, бу жараёнда ўзбек тилининг компьютер услубини яратиш долзарб аҳамият касб этади, чунки бу бошқа барча муаммоларнинг ечимига асос бўлади.

Жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи, ҳар томонлама мукаммал компьютер услубининг яратилиши ўзбек тилининг нуфузини ва унда мулоқот қилувчиларнинг сонини оширишга имкон беради. Компьютер услуби жаҳон андозалари талабларига монанд ҳолда фикрнинг аниқ, лўнда, қайта ишлашга мос бўлишини тақозо этади (Буштуй & Сафаров, 2007).

Ижтимоий мулоқот – кенг маънода одамлар орасида турли-туман шаклларда, турли усуллар ва воситалар орқали амалга ошириладиган ўзаро таъсир жараёнлари деб таъкидлаш мумкин. Бу ўзаро таъсирларнинг одатда сўз ташкил этувчиларидан ҳам маҳрум эмас, чунки нутқ ва тил ҳам одамларнинг фаолиятларида мавжуд бўлади.

Ижтимоий мулоқотда шундай жараёнлар ҳам борки, уларнинг моҳияти мутлақо вербаль ахборотлар узатиш эмас, бироқ уларда ҳам

одатда сўз ахборотларни ташиш имкони бўлади. Ахборот-коммуникатив тизим сифатидаги тилнинг парадигматик тавсифлари ўз-ўзини тўлдириш, ўзаро киришиш ва бир-бирига ўтиш хусусиятларига эга. Шу боисдан ҳам "XXI асрда янгича ақлий салоҳият ва замонавий илғор тафаккур билан қуролланиб, коммуникация ҳамда ахборот технологияларини" (Назарова, 2010), такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Бу мулоқот тилини рационаллаштириш услуби, тилнинг фаоллашуви механизми сифатида амал қилади ҳамда ахборот ва коммуникациялар диалектикасини намоён қилади. Шу маънода мулоқот нутқи акти сифатида эмас, балки сўзни ифодалаш ва рационаллаштириш услуби ҳамдир.

Бизнинг фикримизча, глобаллашув жараёнлари жамият ривожининг замонавий босқичида информация, ахборот ва коммуникацияга алоҳида мақом беради. Натижада тил маданиятида ахборот ва коммуникатив томонларнинг диалектик бирлиги вужудга келади. Шу маънода биз профессор А.Пўлатов фикрича, "Шундай услубни яратмас эканмиз, республикамизда ўзбек тилида тўлиқ иш юритишга ўта олмаймиз. Ушбу услубни мактабларда ҳам ўқитишни бошлаш зарур" (Жабборов, 2010), деган фикрига қўшиламиз. Бироқ ҳозирги кунда бу соҳада муайян муаммолар борлигини ҳам тан олишимиз лозим. Хусусан, ҳозириг кунда юртимизда дастурчилар сонининг етишмаётганлиги, минтақалар кесимида интернет тармоқлари изчил ишламаётганлиги туфайли тил билан боғлиқ мумамолар ечимини топмаганлиги ҳақиқат. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан бир миллион дастурчи лойиҳасининг ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсати кейинги беш йилда ўзбек тилининг компьютерда ўрганиш имконини кенгайтиради деб ўйлаймиз.

Бизнинг фикримизча, айнан шу жараён информацион фаразларни воқеликка айлантиради, одамларнинг билим даражаси ошишига хизмат қилади. Кундалик амалиётда "ахборотга эга" кишиларнинг тилларни ўрганиш ва улардан фойдаланишида янги имтиёзлар пайдо бўлади, ахборот воситаларидан фойдаланиш имконига эга бўлмаганлар эса "янги камбағаллар" сонини кўпайишига хизмат қилади, ижтимоий низоларнинг иқтисодий соҳадан маданият соҳасига кўчиш мумкин. Бунда эски маданиятда илдиз отганлар билан янги, ахборот маданият вакиллари орасида кураш пайдо бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ янги ижтимоий институтлар ўсади, эскилари таназзулга юз тутади. Ахборот жамиятининг инфраструктураси "механик" техника эмас, янги "интелектуал" техника, бунда ижтимоий ташкилланиш ва информацион технологияларнинг аралашувини юзага келтиради ҳамда ижтимоий жараёнлар дастурлаштирилган технологик муаммоларни илмий асослашни ҳаракат қилади. Жумладан, Президентимиз Ш.Мирзиёев, "бу борада илмий ёндошув ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этамиз" (Мирзиёев, 2019), дея таъкидлайди.

Бизнинг фикримизча, тилни ахборот-коммуникатив тизим сифатида ривожлантириш барча асосларга эга. Яъни, у ўзида рўёликни акс эттириш қобилияти ва ахборотни узатиш воситаси сифатида хизмат қилади. Шу билан энг муҳим жиҳат ахборот ва коммуникация ўзаро ўтиш қобилиятига эга, бу Ю.Н.Марчук айтганидек, "тилда маданият элементлари бўлгани каби ахборот ва коммуникатив томонларнинг диалектик бирлиги"да (Марчук, 2006) намоён бўлади. Дарҳақиқат, жамият муомала шакллари, коммуникатив ва информацион жараёнларининг мажмуидир. Ижтимоий ҳаёт – фаолиятлари ўзаро мулоқот жараёнлари давомида амалга ошадиган индивидларнинг биргаликдаги турмушидир. Индивидларнинг бутун ҳаёти туғилгандан то қазога қадар тарихнинг барча босқичларида бошқа одамлар билан мулоқотда ўтади, бу маънода инсон мулоқот қилувчи мавжудотдир. Ҳозирги вақтда мулоқот тўғрисида гап кетганда одатда информация узатишнинг турли шаклларини узатиши, яъни вербаль, аудио ва кўриш (визуаль) алоқалар технологиялари кўзда тутилади.

Ҳозирги замон энг янги коммуникация технологиялари мукаммал бўлса-да, улар инсон тили (нутқи) ва онги русурслари билан шартлангандир. Ахборот узатиш воситаларининг тарихий роли аҳамиятлидир. Ёзувнинг келиб чиқишининг ўзиёқ бошқа зарур шароитлар билан бирга биринчи цивилизацияларнинг шаклланишига восита бўлган эди. Китоб чоп этиш коммуникация воситаларининг инқилобий ўзгаришларида интеграл бошланғич манба бўлган. Китоб нашр этиш ва оммавий ахборот воситаларинин (матбуот, радио, телевидение) ривожланиши ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий томонларининг кескин ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатди.

Компьютер технологияларининг глобал миқёсда тарқалиши бир қатор янги глобал постиндустриал, ёки ахборот жамиятнинг шаклланганини даъво қиладилар. Бироқ бу жараёнда гап ижтимоий муомаланинг моҳиятини аниқлаш устида кетмоқда ва биз учун муҳим бўлган нарса бу эмас, балки ижтимоий мулоқот фақат одамлар орасида ахборот узатиш эмаслигини қайд қилишдир. Ахборот узатиш унинг турларидан биридир. Жамиятда мулоқот қилиш коммуникатив ва информацион жараёнларининг мажмуидир.

УСЛУБЛАР

Ахборотдан коммуникацияга ўтиш жараёни тилнинг “диалектикаси”сида унинг объектив, субъектив ва виртуал оламлар “диалектикаси”да намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, замонавий ахборот жамиятида ахборотнинг коммуникация ва тил билан боғлиқ муаммоларини ўрганишни тақозо этади. Бу муаммоларни ўрганиб чиқиш замонавий одамнинг характери ва яшаш тарзининг ўзгариши механизмларини, шунингдек, ахборот-коммуникатив технологиялар фаоллашуви шароитида шахснинг ифодаланиши ҳусусиятлари ва жамиятнинг янги коммуникатив-ахборот тузилмаларининг шаклланишини тушунишга ёрдам беради. Шундай қилиб, жамиятда коммуникациянинг кўп шакллари бўлса-да, коммуникация воситаси сифатида тил устувор аҳамиятга эга, чунки у инсониятнинг ҳаётий фаолиятида ўз аксини топувчи энг муҳим соҳадир.

Биз М.Хайдеггернинг “тил бу борлиқ уйидир” (Хайдеггер, 2020), деган фикрига қўшилган ҳолда, мантиқий мушоҳада қилиш инсон тажрибаси мавжуд бўлишининг усулларидан бири, яъни индивидуалликдан шахслараро ва ижтимоий онг жабҳасига ўтишни намоён қилишини ҳам тан оламиз. Шунинг учун замонавий жамиятга, билим ва ахборотга мос тил ва коммуникатив амалиётлар бўлиши талаб этилади.

Бизнинг фикримизча, замонавий ахборот жамиятида табиий тил алоқаси билан бир қаторда сунъий алоқа пайдо бўлди. Табиийдан фарқли ўлароқ, уни олимлар, профессионал мутахассислар яратадилар. Сунъий тил алоқасининг ривожланиши эволюцион характерга эга, бунда алифбо ҳарфларидан алфавит бўлмаган тизим белгиларигача, масалан мусиқий ноталар, математик ва физик формулалар, анъанавий белгилар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ягона сунъий тил алоқасини яратиш муаммоси дунё дастурчилари ўртасида рақобатни кучайтирмоқда, рақобат эса дастурларнинг янги шаклларининг яратилишини тезлаштирмоқда, бироқ унинг ривожланган тили компютер алоқаси алоқа учун ҳамма томонидан қабул қилинмоқда.

Шу боис, технологик жиҳатдан ривожланган мамлакатлар ўзларининг сунъий тил алоқалари ёрдамида ўз маданияти ва қадриятлар тизимини ўрнатишга ҳаракат қилмоқдалар. Бироқ, ҳамма учун қулай ва тушунарли бўладиган сунъий лингвистик алоқа устунлик қилади. Демак, замонавий жамиятда ахборотлаштириш, модернизация ва глобаллашувни турли хил мамлакатлар, маданиятлар ва этник гуруҳлар вакиллари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайдиган умумий сунъий компютер тили алоқасиз амалга ошириш мумкин эмас.

Бизнинг фикримизча, жамиятда ижтимоий фаолият турларининг дифференциацияси меҳнат тақсимотини такомиллаштириш, ижтимоий тузилмаларнинг нисбатан мустақил бўлган соҳаларининг шаклланишига таъсир этмоқда. Одамлар ўзларининг бажарган аниқ фаолият турларига кўра ижтимоий ҳаётда ўз вазифаларига, мансабларига ва ўринларига эга бўлмоқдалар. Жамиятда ижтимоий тармоқлар коммуникатив ва информацион жараёнларининг мажмуидир. Ижтимоий ҳаётда ахборот технологиялари орқали ўзаро мулоқот жараёнлари давомида ижтимоий тармоқлар алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, XXI аср учун кун тартиби” дастурларини амалга оширишда, уларнинг давомийлигини таъминлаш, даставвал, турли худудлардаги ижтимоий жараёнларнинг мутаносиб кечиши, турли томонларнинг ўзаро уйғунлашуви, жамиятдаги ижтимоий қатламлар вакилларининг ҳамжиҳатлигида, давлатлар, ташкилотлар ва шахсларнинг бир бирига боғлиқлик даражасининг мустаҳкамлигига бевосита алоқадор эканлиги қайта-қайта таъкидланмоқда.

Ҳозирги даврда коммуникациянинг вербал, аудио ва кўриш, визуаль алоқалар технологиялари ривожланмоқда. Бироқ, ҳозирги замон энг янги коммуникация технологиялари инсон тили, нутқи ва онги ресурсларида намоён бўлади. Бу жараён ёзув услубини такомиллаштириш, китоб чоп этиш, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши билан эволюцион тарзда ривожланиб боради. Шу маънода биз Н.Маҳмудовнинг фикрини асосли деб ҳисоблаймиз. У, “Ҳар қандай оммавий ахборот коммуникация воситасининг асосий қуроли – тил, сўз экани кундай равшан. Уларда ўзбек тилининг бойлиги, гўзаллиги, таъсир кучи етарли даражада акс этмоғи лозим. Нутқнинг маданийлигини таъминлайдиган аниқлик, софлик, мантиқийлик, жўялилик каби энг зарурий сафатларнинг бирортаси мазкур воситаларда чала бўлмаслаги, оқсамаслиги шарт, акс холда, кўланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу ҳам айтиш ўринлики, оммавий ахборот коммуникация воситалари тили жамиятнинг адабий тили учун эталон вазифасини бажармоғи, кишиларда адабий тил кўникмаларини мустаҳкамлашга, айни чоқда, уларнинг нутқ маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоғи керак”(Маҳмудов, 2010) деб таъкидлаган.

Дарҳақиқат, ҳозирги компьютер технологияларининг, хусусан интернет ижтимоий тармоқларидаги ва мобиль алоқалар глобал масштабларда тараққиёт этиши ва тарқалиши бир қатор янги глобал постиндустриал ёки информацион жамиятнинг шаклланганини тақозо

этмоқда. Ахборотлашган жамият концепциясининг ишлаб чиқилиши – ахборот коммуникация ва тил муаммоларини ўрганиш эҳтиёжини оширади (Каримов & Мираъзамов, 1993). Бироқ мазкур контекстда гап ижтимоий муомаланинг моҳиятини аниқлаш устида кетмоқда. Биз учун муҳими, ижтимоий мулоқот фақат одамлар орасида ахборот узатиш эмаслигини асослашдан иборат, ахборот узатиш эса унинг турларидан биридир. Масалан, ҳозирда ижтимоий тармоқларда тил ва коммуникацияни ташкил этиш, шунигдек, ижтимоий шахслараро мулоқат тизими жадал суратда ривожланиб бораётганлигини кўришамиз мумкин. Бу борада Америкалик тадқиқотчи М.Портер, "ҳар қандай давлатнинг иқтисодий рақобатбардошлиги ва мамлакатдаги турли иштимоий қатламлар вакилларининг интелектуал тараққиёт даражаси, касбий фаоллик ҳамда энг муҳими ижтимоий ахиллик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятда адолатлилик ва одамларнинг бир-бирига нечоғлик маънавий боғланганлик холатига бевосита боғликдир"(Портер, 2006), – деб ёзади.

Демак, ижтимоий мулоқот – кенг маънода одамлар орасида турли – туман шаклларда, турли умуллар ва воситалар орқали амалга ошириладиган ўзаро таъсир жараёнларидир. Бу ўзаро таъсирларнинг одатда сўз ташкил этувчиларидан ҳам маҳрум эмас, чунки нутқ ва тил ҳам одамларнинг фаолиятларида мавжуд бўлади. Ижтимоий мулоқотда шундай жараёнлар ҳам борки, уларнинг моҳияти мутлақо вербаль ахборотлар узатиш эмас, бироқ уларда ҳам одатда сўз ахборотларни ташиш имкони бўлади. Масалан, тарихий анъаналарда айниқса архаик ва анъанавий жамиятларда, авлодлар ва индивидлар орасида ўзаро алоқа шаклида мулоқот – бу биринчи навбатда амалий ўзлаштириш ўз ҳаракатларида қайта тиклаш ва бирор даражада ўзгартиришдан иборат бўлган. Фаолиятнинг кўплаб турлари ва хулқ – атворлар одамлар томонидан мисоллар ва намуналар тарзида ўзлаштирилади, бу тегишли малакалар ва кўникмаларни бевосита амалий билимларни эгаллаш орқали амалга оширилади. Бунда тилнинг ижтимоий хусусиятлари дискурснинг когнитив ва репрезентатив фуекциялари билан таъминланади (Хайдеггер, Рецепция и трансформация идей Мартина Хайдеггера в русской философской мысли, антология СПб., 2020).

Ҳозирга келиб, замонавий ахборот жамияти концепциясининг ишлаб чиқилиши – ахборот коммуникация ва тил муаммоларини перманент ўрганиб чиқиш эҳтиёжини долзарблаштирди (Назаров С. , 2011). Бу муаммоларни ўрганиб чиқиш замонавий одамнинг характери ва яшаш тарзининг ўзгариши механизмларини, шунингдек, ахборот-коммуникатив технологиялар фаоллашуви шароитида шахснинг ифодаланиши ҳусусиятлари ва жамиятнинг янги коммуникатив-ахборот тузилмаларининг шаклланишини тушунишга ёрдам беради. Хуллас, жамиятда коммуникациянинг кўп шакллари бўлса-да, тил мулоқот шакли сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, ахборотлашган жамиятда тил ва коммуникация муаммолари ва истиқболларини фалсафий-методологик жиҳатдан ўрганиш, инсониятнинг ҳаётий фаолиятида ўз аксини топувчи энг муҳим соҳадир (Гадамер, 1999).

Шунингдек, М.Хайдеггер таъбири билан айтганда "тил бу борлиқ уйидир", инсон тажрибаси мавжуд бўлишининг усулларидан бири бўлиб, яъни индивидуалликдан шахслараро ижтимоий мулоқот воситаси тизимидир. (Хайдеггер, Рецепция и трансформация идей Мартина Хайдеггера в русской философской мысли, онтология СПб., 2020). Шунинг учун замонавий жамиятга, билим ва ахборотга мос тил ва коммуникатив амалиётлар бўлиши талаб этилади. Коммуникатив жараёнлар предметларга эмас, балки бошқа одамларга ва уларнинг онгларига биргаликдаги фаолиятни амалга оширишга қаратилган бўлади. Одамлар коммуникатив ҳаракатларининг таъсирининг предмети – бу мулоқот жараёнининг ўзидир, яъни мустақил фаолият сифатидаги мулоқотдир.

МУҲОКАМА

ХХ аср ахборотлашган жамиятда тил ва коммуникация фалсафасининг ривожланиш истиқболлари реалликни ифода этибгина қолмай, маълум маънода реалликни яратади. Ҳозирги замон тил фалсафасига кўра сўзни ишлатиш билан предметларни яратиш ёки ҳаётдан чиқариб юбориш мумкин. Тилга нисбатан реаллик ўзининг мураккаблиги билан ажралиб туради, яъни биз грамматик жиҳатдан таҳлил қилаётган сўзлар реаллика қай даражада мос келади (Азизов, 1995).

Тилнинг умумий хажми ҳар бир субъек учун икки қисмга бўлинади. Бир қисми жонли ҳаётга тегишли. Бошқа қисми ундан ташқарида қолади. Инсон биринчисини ўзиники сифатида хис қилади. Иккинчисига эса, гарчи уни моҳирона даражада билса ҳам, ўзиники деб қараш қийин. Ҳозирги даврда тилнинг ана шу кундалик ҳаётдан ташқаридаги қисми борган сари ортиб бормоқда. Шунинг учун ахборотлашган жамият ривожланишида тил ва коммуникацияларнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари долзарб аҳамият касб этмоқда. Ижтимоий мулоқот – ижтимоий ҳаётда бевосита намоён бўлади. Мулоқот жараёнлари ва воқеларида ижтимоий реалликнинг ўзини намоён қиладиган, ўзини амалга оширадиган механизмлари ва бошқа жиҳатлари, ўлчамлари, баён қилинади.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий ҳаётда ижтимоий мулокот икки вазифани бажаради. Улардан бири бутун жамият ва унинг тарихига тегишли бўлиб, ҳар қандай жамиятнинг фаолият кўрсатиши учун индивидлар ва авлодлар орасидаги мулоқот, айнан у туфайли тарихий ворислик алоқаси, анъаналарининг қабулчанлиги ва шу билан жамиятнинг давом этаётган мавжудлиги таъминланади. Бироқ, мулоқот ҳар бир одамга ҳам зарурдир. Айнан мулоқотда, ижтимоийлашиш жараёнларида индивидлар ўзларининг ижтимоий сифатларини пайдо қиладилар, жамиятнинг тўлақонли аъзоларига айланадилар. Шунингдек, фақат мулоқот туфайлигина ва фақат унда одамлар ўзларининг индивидуал ўз – ўзини онглашларини шакллантира оладилар. Бошқа одамларни тушуниш ўзининг «Мен» ини англашга ёрдам беради, ўзининг «Мен»ини англаш орқали бошқа одамларни англаш имконини пайдо бўлади. Шахснинг ўз воқелигини англаш имконияти пайдо бўлади. Шахс ўз воқеилигида ва ўз – ўзини англашда туғилади. Тескари йўналган жараёнлари билан ўзаро таъсирида ўзини бошқалар билан айнийлаштиради ва улардан ажратади.

Бизнингча, онгли, фикрловчи, мулоҳаза юритувчи инсон воқеларни таҳлил қилади ва хулоса чиқаради. Унинг яна бир хусусияти шундан иборатки, онг билан боғлиқ бу жараёнлар натижасини одамзод ўзига ўхшаганлар билан баҳам кўришни, ҳиссиёт ва кечинмалари билан ўртоқлашишни истайди. XXI асрда ижтимоий тармоқлар ана шу истакни рўёбга чиқаришда “сеҳрли таёқча” вазифасини ўтамоқда. Келажакда тил ва овоз эмас, бармоқлар ва клавиатура мулоқотга киришишнинг асосий воситасига айланиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда, бу эса инсоннинг индивидуаллашуви ва бегоналашувига олиб келиши мумкин. Шу маънода А.Камьюнинг “Бегона” асаридаги Мерсо образидаги бегоналашув оқибатларини тасаввур қилсак бу умумий ҳисобда инсониятнинг маънавий таназзули деб баҳоланиши ҳам мумкин. Айнан шу маънавий таназзулнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистонда Республика миқёсида ёшга доир китобхонлик танловлари ўтказилмоқда ва ёшларнинг клавиатура билан ишлайдиган бармоқллар фаоллигини эмас, балки мия фаоллигини оширишга йўналган саъй ҳаракатлар тизимли амалга оширилмоқда. Айнан шу амалиёт Туркия, Корея, Япония давлатларида ҳам тизимли жорий этилаётганлиги ёшларнинг коммуникация воситаларидан фойдаланиш жараёни давлат сиёсати даражасида назоратга олинганлигидан далолат беради. Замонавий жараёнлар, Мой Мир, Фейсбук, В Контакте, Одноклассники каби сайтларнинг одамлар дунёқараши, кундалик турмуши ва руҳиятига кўрсатаётган таъсири эски сандиқ ичини яна бир бор кўздан кечиришга, ижтимоий тармоқларни кун мавзуси даражасига олиб чиқишга ундаяпти.

Ижтимоий тармоқларнинг ютуғи шундаки, улар ҳар бир одам учун виртуал ҳаёт яратиш, атрофдагиларга ўзини-ўзи истагандек намоён қилиш, туну кун виртуал алоқада қолиш имконини беради. Интернетдаги бошпанасини турли матнлар, расмлар, видео роликлари, умуман ахборотнинг ҳар қандай тури билан тўлдириш, дўстлар билан суҳбат қуриш, уларнинг социал тармоқ доирасидаги фаолиятига фикр ва муносабат билдириш орқали, фойдаланувчи ўзини ижтимоий ҳаётнинг фаол иштирокчиси, жамиятнинг тенг ҳуқули аъзосидек ҳис қилади.

НАТИЖА

Бугун интернетни кундалик турмушимиздан бўлак ҳолда тасаввур қилиш жуда қийин. Бизнинг фикримизча, глобал тармоқнинг фойдаси кўпроқми ёки зарари? деган савол товуқ ва тухумдан қай бири олдинроқ пайдо бўлгани тўғрисидаги саволдек аксиоматик характерга эга бўлганлиги учун унга жавоб бериш мушкул. Ижтимоий тармоқлар борасида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Чунки, Майл-агент, Фейсбук ёки Твиттер (бу ҳам ижтимоий тармоқнинг бир тури)дан фойдаланмайдиган одам – замон билан ҳамқадамликни даъво қила олмайди. Турли янгиликлардан хабардор бўлиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш борасида ижтимоий тармоқлар билан беллаша оладиган бирорта ҳам сайт йўқ, десак адашмаган бўламиз.

Биз 2010 йилнинг энг яхши кинофильми деб тан олинган “Ижтимоий тармоқ” фильми қаҳрамонларидан бири Шон Паркер мулоҳазаларига мурожаат этамиз Унинг: “Аввалари одамлар қишлоқларда, шаҳарларда яшарди. Энди эса улар интернетда яшашни бошлайди” (Sean Parker, 2019), – деган фикри ижтимоий тармоқларга нисбатан кучайиб бораётган эҳтиёжнинг ҳақиқатлигини исботламоқда. Эрта тонгдан дўстлари билан мулоқотни бошлаб юборган фойдаланувчи кун бўйи виртуал оламда яшайди, унинг хатти-ҳаракатлари, одатлари, фикрлаш ва фикрларини ифодалаш усули, ҳатто ҳиссиётлари ҳам, ўзи яратаётган “интернет-тимсол” характерига мослашиб боради. Натижада, ўзликни йўқотиш, реал ҳаётдаги “Мен”дан айрилиб қолиш эхтимоли кучаяди.

Бизнинг фикримизча, замонамиз ахборот технологиялари ривожида янги бир инқилобий босқич авж олаётган даврдир. Ягона глобал ахборот ҳудуд вужудга келмоқда. Бундан 50 йил аввал 30 варақ матнни 5 минг км, масофага почта орқали юбориш учун камида ўн кун вақт ва 30 доллар

даркор эди. 20 йил муқаддам эса, бу учун факсдан фойдаланиб бир соат вақт ва 50 доллар керак. Бугунги кунда бу амалиёт учун 3 сония вақт ва 3 центга тенг маблағ кифоя. Яъни ахборот тарқатиш қиймати минг маротаба камайди ва тезлиги 300 минг маротаба ортди. Шу нуқтаи назардан Д.Назаровнинг, "XXI асрда янгича ақлий салоҳият ва замонавий илғор тафаккур билан қуролланиб, коммуникация ҳамда ахборот технологияларига асосланган, дунё андозаларига мос таълим тизимини шакллантириш зарурати туғилмоқда"(Назарова Д., 2010), деган фикри интернет ва ахборот-коммуникация соҳасини жадал суратда ривожланиб бораётганлигининг далили бўла олади.

Биз тилнинг турли хилдаги назарияларда ишлатиладиган бир неча абстрактларини тавсифлашга ва уларнинг ўзаро ҳаракатларини ҳамда назарий фалсафанинг ривожланиши муносабати билан унинг ўзгаришларини кузатишга ҳаракат қилдик. Бунда, бир неча тил мавҳумликларини фарқлаш мумкин:

1. мантиқда;
2. таҳлилий фалсафада;
3. филология ва герменевтикада;
4. структурализмда;
5. лингвистикада қўлланиладиган тил абстрактлари (Дониёров & Санақулов, Алишер Навоий - тилшунос олим, 1990).

Жумладан, "Тилнинг фалсафий йўналиши герменевтика – шундай қарама-қаршиликка дуч келадики, бир томондан тилни ўз объекти сифатида кўриб чиққанда, у нафақат лингвистик, балки филологик абстракт - адабий матнларнинг йиғиндиси ҳам эканлиги маълум бўлди" (Назаров Қ. , Фалсафа: Қомусий луғат, 2004). Шунинг учун, герменевтика таҳлилий фалсафа сингари тилнинг эмпирик назариясидан узоқлашади. Тил ва фалсафанинг ўзаро уйғунлиги, уларнинг алоқадорлиги ва шу доирадаги муаммоларда намоён бўлади (Миртожиев & Маҳмудов, 1992).

Ижтимоий воқеликни билишда шундай соҳалар борки унда бутун жамият аъолари, инсоният бевосита ёки билвосита фаоллик кўрсатади. Шундай соҳалардан бири тил фалсафасидир. Тил фалсафаси генезиси инсоннинг дунёга келишидан умрининг охиригача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу жараённи янада соддароқ ифодаласак, тил фалсафаси соҳаси инсониятнинг пайдо бўлиши билан шаклланган ҳамда шу кунга қадар узоқ эволюцион босқични босиб ўтган (Каримов Б. Р., 2003). Шунинг учун тил фалсафаси мазмун моҳияти тадқиқида, унинг амалиётга жорий қилинишида юқоридаги ўзига хослик ҳисобга олинади.

Тил ва коммуникациянинг ўзаро мутаносиблиги - бу одамларнинг алоқа ва тушунишининг энг муҳим воситасидир. Бу фикрлаш билан узвий боғлиқдир. Ахборотни сақлаш ва узатишнинг ижтимоий воситаси, инсон хатти-ҳаракатларини бошқариш воситаларидан биридир. Лингвистик мулоқотнинг ҳолати ва ўзгаришини кўрсатиш, унинг ўзига хос хусусиятларини оммавий, жамоат ва маданиятлараро мулоқотга айлантиради (Виноградов, 1953).

Ижтимоий воқеликни билишда шундай соҳалар борки унда бутун жамият аъзолари, инсоният бевосита ёки билвосита фаоллик кўрсатади. Шундай соҳалардан бири тил фалсафасидир (Бекмуродов & Хасанов, 2021). Тил фалсафаси генезиси инсоннинг дунёга келишидан умрининг охиригача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу жараённи янада соддароқ ифодаласак, тил фалсафаси соҳаси инсониятнинг пайдо бўлиши билан шаклланган ҳамда шу кунга қадар узоқ эволюцион босқични босиб ўтган. Шунинг учун тил фалсафаси мазмун моҳияти тадқиқида, унинг амалиётга жорий қилинишида юқоридаги ўзига хослик ҳисобга олиниши муҳимдир. Тил ва коммуникация воситалари мулоқотнинг диалогик ёки интерактив шаклини таъминлайди (Портнов, 1994). Шундай қилиб, алоқа одамлар ўртасидаги маданий, тарихий жиҳатдан шартли маънавий алоқанинг ўзига хос шаклидир. Ахборот ташувчиси сифатида алоқа воситалари, ўз навбатида, одамлар ҳаётининг маданий-тарихий, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитларига, одамларнинг ўзлари ишлаб чиқариш даражаси ва ривожланиш даражасига боғлиқ.

Ахборотлашган жамиятда тил ва коммуникация мутаносиблигининг фалсафий муаммолари ва истиқболлари тадбиқ этиш давр талабидир. Бунда биринчидан, фан, маданият, иқтисод, сиёсат соҳасида мазкур масала ечимида турли хил муаммоларни келтириб чиқаради. Иккинчидан, туркий тилли халқлар ичида буддавийлар, христианлар, мусулмонлар ва ҳатто оташпарастлар ҳам мавжудлиги халқнинг лисоний бирлашувида муамоларни келтириб чиқаради (Дониёров & Санақулов, Алишер Навоий - тилшунос олим, 1990).

Хуллас бизнинг фикримизча, электрон коммуникация жисмоний ўзаро ҳис этишнинг фарқини олиб ташлайди. Биз психологларнинг маълумотларини таҳлил этиб, уларда мулоқотда ахборотнинг 80% дан ортиқроғи кўриш таҳлил воситасида идрок қилинса интернет воситасидаги коммуникацияда ўзига хос онгнинг бевосита ахборот бирикуви юз беришини аниқладик. Шу маънода интернет инсон онгига (онгли танлов бўйича) танадан муваққат эркинлик имконини беради. Интернет нафақат коммуникатив балки шахснинг

ижодий ўзўзини намоён этиш учун ҳам (манбалар ва маълумотларнинг улкан тоифасига кира олиш, шахсийназарий ёки бадиий фаолият махсулотларини бир лаҳзада ва ўта кенг тақдимот қилиш, ҳам жанрлимазмунли, аксиологик маънода эркин ўзини намоён этиш, индивидуал Web-саҳифалар ва ҳ.к. лар имкониятлари) учун мислсиз имкониятлар очади. Интернеттармоқ бош ижтимоий заҳирага айланиб бораётган ахборот доимий оқими ва улкан ҳажмини жамлаш ишлов бериш узатишдан иборат ахборотлашган жамиятнинг бош муаммосини ҳал қилувчи коммуникацияларни амалга ошириш имконияти ва тезлигини кўп маротаба орттириш воситасидир.

ХУЛОСА

Глобаллашув шароитида тил ва коммуникация мутаносиблигининг истиқболлари мураккаб, зиддиятли ва айни пайтда барча макон ва замон учун зарур бўлган энг биринчи муҳим соҳадир. Улар орқали муамолар ечими тўғри ҳал қилинади. Жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳаларда теранлик ва ривожланиш бўлади. Чунки ҳар қандай жамиятдаги муаммолар ечими билвосита ёки бевосита тил фалсафаси нуқтаи-назардан ҳал қилинсагина истиқболда тинчлик, тотувлик ва муваффақият таъминланади.

Замонавий ахборот жамиятида табиий тил алоқаси билан бир қаторда сунъий алоқа пайдо бўлди. Табиийдан фарқли ўлароқ, уни олимлар, профессионал мутахассислар яратадилар. Сунъий тил алоқасининг ривожланиши эволюцион: алифбо ҳарфларидан алфавит бўлмаган тизим белгиларигача (мусиқий ноталар, математик ва физик формулалар, анъанавий белгилар). Бугунги кунда ягона сунъий тил алоқасини яратиш муаммоси долзарбдир. Бутун дунёдаги дастурчилар ўртасида рақобат мавжуд бўлиб, унинг ривожланган тили компютер алоқаси алоқа учун ҳамма томонидан қабул қилинади.

Технологик жиҳатдан ривожланган мамлакатлар ўзларининг сунъий тил алоқалари ёрдамида ўз маданияти ва қадриятлар тизимини ўрнатишга ҳаракат қилмоқдалар. Бироқ, ҳамма учун қулай ва тушунарли бўладиган сунъий лингвистик алоқа устунлик қилади. Шу боисдан ҳам замонавий жамиятда ахборотлаштириш, модернизация ва глобаллашувни турли хил мамлакатлар, маданиятлар ва этник гуруҳлар вакиллари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайдиган умумий сунъий компютер тили алоқасиз амалга ошириш мумкин эмас.

Тил ва коммуникациянинг ўзаро мутаносиблиги – бу одамларнинг алоқа ва тушунишининг энг муҳим воситасидир. Бу фикрлаш билан узвий боғлиқдир. Ахборотни сақлаш ва узатишнинг ижтимоий воситаси, инсон хатти-ҳаракатларини бошқариш воситаларидан биридир. Лингвистик коммуникация ахборот асридаги энг муҳим алоқа воситаси бўлиб, ахборот- коммуникацияларни юзага келишида алоҳида аҳамиятга эга.

Ахборотлашган жамиятда тил ва коммуникация воситаларининг ривожланиши доимо ишлаб чиқариш эҳтиёжларининг бевосита таъсири остида рўй беради. У ижтимоий ва ижтимоий тузилишнинг барча даражаларида маданий, шахслараро, этник, давлат, глобал миқёсда ўсиб боради. Шунингдек, тил ва коммуникация воситалари мулоқотнинг диалогик ёки интерактив шаклини таъминлайди. Хусусан, алоқа одамлар ўртасидаги маданий, тарихий жиҳатдан шартли маънавий алоқанинг ўзига хос шаклидир. Ахборот ташувчиси сифатида алоқа воситалари, ўз навбатида, одамлар ҳаётининг маданий-тарихий, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитларига, одамларнинг ўзлари ишлаб чиқариш даражаси ва ривожланиш даражасига боғлиқ.

АДАБИЁТЛАР:

1. Азизов, О. (1995). Тилшуносликка кириш.
2. Бекмуродов, М., & Хасанов, О. (2021). Янги Ўзбекистон - янгича дунёқараш.
3. Буштуй, Т., & Сафаров, Ш. (2007). Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси.
4. Виноградов, В. В. (1953). Основные типи лексических значений// Вопросы языкознания.
5. Гадамер, Г. Г. (1999). Деконструкция и герменевтика// Герменевтика и деконструкция.
6. Гумбольд, В. (2005). Философия языка и философия языкознания: Лингвофилософские очерки.
7. Дешериев, Ю. Д. (1977). Социальная лингвистика. К основам общей теории.
8. Дониёров, Х., & Санақулов, У. (1990). Алишер Навоий – тилшунос олим.
9. Дониёров, Х., & Санақулов, У. (1990). Алишер Навоий – тилшунос олим.
10. Жабборов, Н. (2010). Маърифат надур?
11. Каримов, Б. Р. (2003). Миллат, инсон ва тил: тараққиёт муаммолари.
12. Каримов, Б., & Мираъзамов, К. (1993). Миллат равнақи ва тил муаммолари.
23. Марчук, Ю. Н. (2006). Компьютерная лингвистика.
14. Мирзиёев, Ш. (2019). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси.
15. Миртожиев, М., & Маҳмудов, Н. (1992). Тил ва маданият.
16. Назаров, Д. (2010). Миқдордан сифатга.
17. Назаров, Қ. (2004). Фалсафа: қомусий луғат.
18. Назаров, Қ. (2004). Фалсафа: Қомусий луғат.
19. Назаров, С. (2011). Беруний хазинасидаги тилга оид жавҳарлар// Абу Райхон Беруний мероси ва ҳозирги замон.

20. Николаев, И. С., Митренина, О. В., & Ландо, Т. М. (2017). Прикладная и компьютерная лингвистика.
21. Нурмонов, А. (2002). Ўзбек тилшунослиги тарихи.
22. Портнов, А. Н. (1994). Язык и сознание: основные парадигмы исследования проблемы в философии XIX-XX вв.
23. Салимов, О. У., Қуронбоев, Қ., Жаллонов, Ш., Бекмуродов, М., & Тангиров, Л. (2019). Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари.
24. Хайдеггер, М. (1991). Язык. Перевод и примечания. Б.В. Маркова.
25. Хайдеггер, М. (2020). Рецепция и трансформация идей Мартина Хайдеггера в русской философской мысли, антология СПб.
26. Kuysinova Fazilat Oripovna (2019). The role and political imidge of the organization of the Islamic Conference in the international relationship system. Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research, (2 (4)), 61-68. doi: 10.5281/zenodo.2647705
27. Oripovna, K. F. Arabian Consolidation and Organization of Islamic Conference in The 70-S of The xx Century.

REFERENCES:

1. Azizov, O. (1995). Introduction to Linguistics.
2. Bekmurodov, M., & Khasanov, O. (2021). New Uzbekistan is a new worldview.
3. Bushtuy, T., & Safarov, Sh. (2007). Language construction: methods and methodology of analysis.
4. Vinogradov, V. V. (1953). Osnovnqe tipq leksicheskix znacheniy // Вопросы языкознания.
5. Gadamer, G .; G. (1999). Dekonstruktsiya i hermeneutics // Hermeneutics and deconstruction.
6. Gumbold, V. (2005). Filosofiya yazyka i filosofiya yazykoznaniya: Lingvofilosofskie ocherki.
7. Desheriev, Yu. D. (1977). Sotsialnaya lingvistika. K osnovam obshchey teorii.
8. Doniyorov, X., & Sanaqulov, U. (1990). Alisher Navoi is a linguist.
9. Doniyorov, X., & Sanaqulov, U. (1990). Alisher Navoi is a linguist.
10. Jabborov, N. (2010). What is enlightenment?
11. Karimov, B. R. (2003). Nation, Man and Language: Problems of Development.
12. Karimov, B., & Mira'zamov, K. (1993). National development and language issues.
13. Marchuk, Yu. N. (2006). Computer linguistics.
14. Mirziyoev, Sh. (2019). Address of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev to the Oliy Majlis.
15. Mirtojiev, M., & Mahmudov, N. (1992). Language and culture.
16. Nazarov, D. (2010). From quantity to quality.
17. Nazarov, Q. (2004). Philosophy: encyclopedic dictionary.
18. Nazarov, Q. (2004). Philosophy: Encyclopedic Dictionary.
19. Nazarov, S. (2011). Linguistic ores in Beruni's treasury // Abu Rayhan Beruni's heritage and modernity.
20. Nikolaev, I. S., Mitrenina, O. V., & Lando, T. M. (2017). Prikladnaya and computer linguistics.
21. Nurmonov, A. (2002). History of Uzbek linguistics.
22. Portnov, A. N. (1994). Yazyk i soznanie: osnovnye paradigmy issledovaniya problemy v filosofii XIX-XX vv.
23. Salimov, O. U., Quronboev, Q., Jallonov, Sh., Bekmurodov, M., & Tangirov, L. (2019). From national revival to national uplift.
24. Xaydegger, M. (1991). Yazyk. Translation and primechaniya. B.V. Markova.
25. Xaydegger, M. (2020). Reception and the idea of transformation Martina Heidegger in the Russian philosophical example, anthology SPb.
26. Kuysinova Fazilat Oripovna (2019). The role and political imidge of the organization of the Islamic Conference in the international relationship system. Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research, (2 (4)), 61-68. doi: 10.5281/zenodo.2647705
27. Oripovna, K. F. Arabian Consolidation and Organization of Islamic Conference in The 70-S of The xx Century.